



«СИНШИН» ВА «КОКОРО» БАДИИЙ МИЛЛИЙ КОНЦЕПТЛАР ВА УЛАРНИНГ ХАРУКИ МУРАКАМИНИНГ “ТУССИЗ ЦКУРУ ТАДЗАКИ ВА УНИНГ ЖАҲОНГАШТАЛИК ЙИЛЛАРИ” РОМАНИДАГИ ТАЛҚИНИ

Амануллаева Камола,

СамДЧТИ катта илмий ходим-изланувчиси

Калит сўзлар: *концептнинг талқиний майдони, “кокоро”, “синшин”, индивидуал-муаллифона концептосфера, матн концептосфераси, концептларнинг бинар оппозицияси.*

“Туссиз Цкуру Тадзаки ва унинг жаҳонгашталиқ йиллари” романи (2013) – Харуки Муракамининг Д. Коваленин томонидан 2015 йилда рус тилига ўтирилган сўнгги асари. Ушбу роман адибнинг ёлғиз қахрамон, “юрагида дарди бор ҳамда оғриқли қалбга эга” киши тўғрисида ҳикоя яратишга мойиллигини тасдиқлайди. Шу сабабли Харуки Мураками ижодида етакчи концептларнинг роли ва вазифалари, уларнинг талқин майдонлари, “мазкур матн концептосфераси” (Стернин) хусусида ёзишга асос бор деб ҳисоблаймиз. Қуйидаги таърифни асос сифатида қабул қиламиз: “...индивидуал-муаллифона концепт-тасаввур ёки борлиқ парчаларининг ёзувчи томонидан концептлаштириш ўзига хосликлари натижасида калит концептларга тоифасига ўтган, яъни муаллиф идрокида алоҳида маданий-аҳамиятли кадрга эга бўлган ва бунинг оқибатида шахсий аҳамият касб этган муаллиф индивидуал онгидаги хаёлий образ” [1,36]. “Кокоро” концепти Харуки Мураками ижодининг иккинчи даврига оид барча романларида энг кўп қўлланилади (танқидчилар ушбу чегараларни “Норвег ўрмони” романининг нашр этилиши билан белгилашади – К.А). Харуки Мураками романларининг индивидуал-муаллифона концептосфераси мазмуни адибнинг дунёни кўра олиш ўзига хослиги орқали очиб бериладиган концептлар йиғиндисидан иборат. И.А. Тарасова таъкидлаганидек “...концептнинг ўзи бадиий ижод тарихи давомида намоён бўлувчи моҳиятларнинг яширин тавсифи сифатида тушунилади” [2,33].

“Туссиз Цкуру Тадзаки ва унинг жаҳонгашталиқ йиллари” романида ҳам матнда энг кўп учрайдиган калит сўзлар “руҳ-юррак” бўлади. Шу боис нафақат бир-бирини тўлдирадиган, балки матнни узвий боғлайдиган (сюжет, образ, эмоционал ва бошқа жиҳатлардан), юқорида айтиб ўтилган концептларнинг вазифаларини комплекс ўрганиш аҳамиятлидир. Ушбу концептларнинг Д. Коваленин томонидан ўгиришда айрим семантик ва образли “мос келиш/мос келмасликлар”ни ҳам таҳлил қилиш муҳим.

“Туссиз Цкуру Тадзаки ва унинг жаҳонгашталиқ йиллари” романи қолган барча романлардан муаллиф ҳикоя қилишни “биринчи шахс тилидан” олиб бормаслиги билан фарқ қилади. Бироқ 36 ёшли Цкуру Тадзаки – ҳар томонлама ёлғиз қахрамон тоифасига тегишли. Тўғри, у бошқалардан фарқли ўлароқ тўлақонли оилада вояга етади. Цкуру 20 ёшида дўстларидан ажралиб қолган раддимаърака одамга айланаиб, бу бутун романнинг асосий сюжет чизиғини ташкил этади. Роман қахрамони – ёзувчининг олдинги асарлари қахрамонлари каби “ёлғиз руҳ(қалб)”. Харуки Муракамининг анъанавий қондаси бор: ёлғиз киши “дилкашлиқ қилиш” мумкин бўлган инсонни қидиради. “Хорижий тилни ўқитиш жараёнида оламнинг япон ва рус лисоний манзараларининг қиёсланиши” мақоласида У.П. Стрижак миллий дунёқарашдаги миллий бир хилликни тушунишга ёрдам берадиган ўхшашлик ҳамда фарқланиш нукталарини белгилайди. Шуниси аҳамиятлики, муаллиф “рус православиясининг ўзига



хосликларидан келиб чиқувчи қадриятларга оид тасаввурларнинг русча кутбланиши (масалан, “тана” ва “руҳ” “тубан ва юксак ибтидолар” сифатида) тўғрисида билиш” нинг муҳимлигини алоҳида таъкидлайди. Японларда, гарчи “руҳ танада мавжуд эди”, яъни ҳаёт маъносидаги универсал тасаввурдан фойдаланилса-да, бундай кутбланиш йўқ [3,254].

Ушбу фикрлар «心身» “синшин” истилоҳининг учбирлигида мужассамланган японларнинг тасаввурлари тўғрисидаги маълумотларга муҳим қўшимчалар бўлиб, бу ҳақда Е. Бакшеев “Кокоро – Япония маънавий маданияти” тадқиқотида ёзади. Таъкидлаш лозимки, учинчи чиқиши “Япон кишисининг учта руҳи бор” деб номланиб, унда «心» “Кокоро” тушунчаси кенг тушунтириб берилган.

Т.М. Гуревичнинг “Оламнинг япон лисоний манзарасида “Инсон” концептосферасининг лингвوماданий таҳлили” номли диссертацион тадқиқотида “руҳ” каби моҳият тўғрисидаги тасаввурларнинг миллий ўзига хосликлари кўрсатиб берилган: “Япон миллий анъаналарида руҳ ва танани қарама қарши қўйиш йўқ, аммо синшин - “қалб-руҳ-тана” учбирлиги мавжуд”. Шундай қилиб, инсон анатомик аъзолар эмас, балки ўзига хос маконлар, баъзида эса у ёки бу руҳий ва ахлоқий сифатларнинг синонимлари сифатида англашиладиган унинг юраги, жигари, қорни ва ичаклари қандай бўлса, шунинг ўзидир. “Руҳ”ни англаувчи истилоҳнинг бундай кенглиги японлар дунёни тушунишида инсоннинг моддий ва маънавий қисмлари ажралмаслигининг яна бир исботидир” [4]. Шунингдек, “синшин” тушунчаси таркибига инсондаги вужудга оид юксак моҳиятлардан бири сифатида “ақл” ҳам киришини таъкидлаб ўтмоқ даркор. Ўз романларида Харуки Мураками ўзаро чамбарчас боғланган моддий ва маънавий ибтидолар орасидаги алоқага алоҳида урғу беради, чунки

қаҳрамонларидаги руҳий ўзгаришлар ёки инқирозлар тана сатҳида намоён бўлади. Цкуру Тадзакининг йигирма ёшидаги руҳий инқирози унинг руҳий ва жисмоний ҳолатларига қаттиқ таъсир қилади: “...ҳаёт ва ўлим чегарасида осилиб қолганди, шундан кейин қанчалик жиддий ўзгарди – ҳам руҳан, ҳам жисмонан” [5,65].

「どれほど死に近接して生きていたか、その体験が自分の心身にどれほど大きな変更を加えたか」 [6,p.71] Аслиятда қаҳрамоннинг “онг ва танада” ги эврилишлари таъкидланган. Харуки Муракамининг Цкурунинг руҳий ҳолатини тавсифлашда айнан “синшин” билан ишлашга қатъий қарори “тана” концептини метафоралаштиради:

「鏡を見ると、自分が自分ではない別の入れ物に入れられてしまったような気がした」 [6,289]. Муаллиф, Цкурунинг ичидаги руҳий бўшлиққа урғу бераркан, “контейнер” сўздан фойдаланади. Д. Коваленин моддий ва маънавийни ажратади: “Қисқа вақт мобайнида унинг руҳий изтироблари танасини тарошлаб, ўзгартириб юборди. Кўзгудан бошқа одам қараб турарди. Афтидан, бу, мен “ичимда” айланган кимса эди” [5,247].

Таъкидлаш муҳимки, айнан руҳий изтироблар қаҳрамонни кейинчалик қуйидаги хулосаларга олиб келади: “Ўз фикрларинг эгаси бўлиш – бу вужудинг соҳиблигига эришмоқ ва ундан истаган вақтинг чиқмоқ демак”, яъни ўз жонига қасд қилишга интилмоқ. Харуки Муракамининг “синшин” учбирлигининг аҳамиятини Цкуру Тадзакига, унинг руҳий жароҳати сабабли ишқий алоқа таклифига Саранинг рад жавоби бериши билан кучайтирганлиги ҳам муҳим:

「でもあなたはたぶん心の問題のようなものを抱えている」 [6,104]. Яна бир бор япон Харуки Муракамининг рус тилига таржимада мантиқсиз бўладиган “ақл” сўзига ментал мурожаатини таъкидлаб



ўтаминг. “Бироқ сенинг руҳинг дардманд” [5,92].

“Руҳ” аксиологик концепти Харуки Муракамнинг дунёқараши учун ниҳоятда муҳим. Адиб “руҳ” лексемасидаги барча лексикологик тавсифларда “жонли” архисемасини алоҳида ажратади. Мазкур мақола доирасида “руҳ” концептининг структурасига тавсиф бериш мумкин. Унинг ядросини куйидаги маъноларга эга “руҳ” лексемаси ташкил қилади – ахлоқий, изланувчан инсоннинг ҳаётий моҳияти. Харуки Мураками учун инсондаги моддий ва маънавий ибтидолар орасидаги алоқа ажралмас экан, роман контекстида, бизнингча, “синшин” концептининг этнолингвистик хусусиятлари намоён бўлади.

1. Дўстлардан маҳрум бўлиш ҳисси ва йўқотиш азоби моддий ифодаланани: “...бундай зарба оғриғи қалбда абадий қолади” [5,63]

「痛みは彼の中に常に変わらずある」 [6,69].

2. “Руҳ” концепти инсоний масрурлик рамзи, маънавий юксалиш лаҳзаси демас: “Руҳлари ғоят омадли мос келган лаҳзалар узок чўзилмасди” [5,270]

「そのように心がびったりと寄り添う期間は、それほど長くは続かなかったのではないか」 [6,315].

Айтиш лозимки, Харуки Мураками “қалбан юлдузларга эш бўлмоқ” метафораси билан бахтиёрлик лаҳзаларини эмоционал жихатдан кучайтиради. Бу ҳолда аслият матни ва таржима орасида ментал мақсадга кўра концептлардан фойдаланишда оппозиция мавжудлиги кўзга ташланади. Бироқ образлиликка бу ўринда путур етмайди. Худди шу планда концептнинг қиёслаш ёрдамидаги тавсифи ҳам келтирилади: “Инсонларнинг руҳлари – тунги ёлғиз қушлардир” [5,224 「人の心は夜の鳥なのだ」 [6,240].

Харуки Мураками янада “моддий” тасаввурдан фойдаланади: “Инсон юраги тунги қушлар мисоли”. Аслият матни ва Д.

Коваленин таржимасини таҳлил қила туриб, шуни кўриш мумкинки, Харуки Мураками “юрак, қалб” концептига жуфтлик сифатида “ақл” концептини киритади. Д. Коваленин учун ушуб жуфтликнинг барча оттенкалари “руҳ” концептининг одатий кўрсаткичларида тажассумланади. Таъкидлаш мумкинки, концептдан фойдаланиш баъзан кутилмаган ҳолатларни келтириб чиқаради. Мисол учун, “Руҳ” аллақандай маънавий мавжудот сифатида романда муаллифна метафорада акс эттирилган “мақоний” хусусиятларига эга. Финн Эдвард рассом нуктаи назаридан ўз рафикаси ижодига баҳо беради (юқорида зикр этилган концепт метафора марказини ташкил этади):

「彼女の作るものには、狭さがありません。心の広さが感じられます」 [6,278].

Аслиятда “ақл кенглиги – қалб кенглиги”. Таржимада: “...у қилаётган ишларда кенглик...Қалб учун поёнсизлик” [5,239].

“Руҳ, қалб” концепти замонга оид кўрсаткичларга эга, зеро “Қалбни тўлдириб турганларнинг барини тушуниб олиш учун вақт даркор” [5,283].

「心の中にあるものを整理するのに、今しばらく時間が必要だった」 [6,332].

Харуки Мураками учун “ақлни тўлдириб турган” деб ўтишнинг ўзи етарли, аммо рус контексти учун “қалб, руҳ” концепти зарур, шу сабабли таржимани бадиий тенг маъноли ҳисоблаш мумкин.

“Туссиз Цкуру Тадзаки ва унинг жаҳонгашталиқ йиллари” романида “қалб, руҳ” концептининг марказий базавий қатламини куйидаги маъноларга эга лексемалар воқелантиради:

1. Қўл бериб кўришишдан нигоҳ ташлашгача, ҳар кунги “бажону дил ишлашдан” - ижодий “қалбсиз куйламоқ” қача қандайдир жараён билан бирга кечувчи ҳислар, кайфиятлар, кечинмалар жамланмаси.

2. Тийнатга оид хусусиятлар ёки ижобий ёхуд салбий модалликка эга



қахрамон тийнати хусусиятларининг жамланмаси: “қалби очиқ” ёки “қалби дардманд”.

Ўз қахрамонларини Харуки Мураками моддийликдан маънавийлик устуворлиги сезилиб турадиган хусусиятлар билан тавсифлайди:

「アオーあいつもまだ純粋な心を持ち続けている」 [6,320]. бу ерда Харуки Мураками “пок қалб” кўчимидан фойдаланади. Д. Коваленин “қадрдон қалб” концепти тушунчасини кенгайтиради: “Кўк - унинг қалби пок-покиза” [5,273].

3. “Қалб, рух” концепти қахрамон ички дунёсининг мезонидир. “Ўз-ўзидан” қочишга уринаётган радди маърака кимсанинг образли тавсифини келтириб ўтаммиз:

「エリだってある意味では人生の亡命者だと言えるかもしれない。彼女もやはり心に傷を負い、その結果いろんなものを置き去りにし、故郷を捨てた」 [6,358].

Харуки Мураками “юррак” концептидан фойдаланади, лекин такрорлар билан фожиавий маънони кучайтиради: “юрракдаги жароҳат”. Д. Коваленин марказида “қалб-рух” концепти турган яна битта образли иборани беради: “Эри, бундок ўйлаб кўрилса, ўз ҳаётидан қочганлардан бири. Ватанини мажақланган қалб билан тарк этди” [5,306]. Бутун роман контекстида шундай иборалар ҳосил бўлаверади: “улар истаган жойларида қалблари истагандек ўйнаб куларди”, яъни қалб инсон учун аллақандай гедонистик (хузурланишни хуш кўрадиган) аъзодир.

4. “Қалб-рух” концепти қандайдир анча катта ҳажмли макон-идиш, чунки бунга аниқлик ҳам киритилади: 「あなたは何かしらの問題を心に抱えている」 [6,106]. “Қаеридадир, қалбининг энг тубсизликларида бениҳоя кўп азоб тўпланганди” [5,93]. Бу Харуки Мураками учун “қалб туби” деярли барқарор

тушунчасига айланади. Қалбининг ўлчов билмас чуқурлиги “тубсизлиги” сўзи билан кучайтирилади ва бу машъум маъно оттенкасини беради. Ушбу тушунчадан Харуки Мураками қахрамонларининг оғир ҳолатларини тасвирлашда фойдаланади: 「ただじっと深く自分の内奥を見つめていれば、心臓はやがて自然に停止してしま

いそうに思えたものだ」 [6,362]. Муаллиф “юррак” концептидан фойдаланаркан, унинг “тубсизликларини” яна бир бор таъкидламоқчи бўлади. Д. Коваленин учун эса тушунчалардаги семантик фарқланишларни кўрсатиб ўтиш учун бинар оппозицияни белгилаб олиш муҳим: “У ўз қалбининг коп-қора тубсизликларига синчков ва чуқур назар ташлар экан, юраги тўхтаб қолишига бир баҳя қоларди” [5,310]. Биринчидан, “қалб” ва “юррак” ни тушунишдаги фарқларни таъкидлаб ўтаммиз. Иккинчидан, қахрамоннинг маънавий инкирози метафорик жиҳатдан тўла ифодаланган – “қалб тубсизлиги”. Бу салбий ҳиссиётлар билан боғлиқ. Романда қахрамоннинг ижобий кайфиятини яратиш учун “қалб” концептидан фойдаланишнинг биргина мисоли кузатилади: 「みんな光景をただ見ているだけで、彼は満ち足りた穏やかな気持ちになることが

できた」 [6,352] “Ҳатто ушбу сахнани кузатишнинг ўзи Цкуру қалбини уйғунлик ва ҳаловатга тўлдирадди” [5,300].

Мазкур матн доирасида концептнинг сарҳадлари қуйидаги маъноларга эга “қалб” лексемаси билан берилган:

1. “Қалб” муҳим ниманингдир кўчма маъносини белгилайди. Масалан, Кўкнинг бамайлихотирлиги ва дилкашлигимуаллиф томонидан қуйидаги концептни қўллаш орқали ифодаланган:

「場をまとめるのが得意だった」 [6,9] Тенг маънода: “у исталган давранинг жону дили эди” [5,11].

2. “Қалб” инсон ички дунёсини тавсифлайди – қалб ижобий ёки салбий ҳис-туйғуларни бошқарувчи эмоционал



марказга айланади. Шу боис, қуйидагича иборалар вужудга келади:

「好きなペースで心ゆくまで泳ぐことができた」[6,121]. Харуки Мураками “қалбингиз мазмуни” тушунчасининг индивидуал-муаллифона идрокни таъкидлаб, қахрамон учун имконлининг жараёнини кучайтиради. Рус тилига таржимада одатий иборадан фойдаланилган: “улар истаган жойларида қалблари истагандек ўйнаб куларди”[5,105].

3. “Қалб” концепти Харуки Мураками романларида коммуникатив мулоқот уйғунлигининг унсурига айланади. Муаллиф метонимиядан фойдаланган ҳолда мулоқотда яқин кишининг ўрнига “ҳис-туйғуларнинг юксак намоёни сифатидаги унинг қалби”ни тасвирлайди: 「それは一人の心と、もう一人の心とのあいだの問題なのだ」[6,370]. “Синшин”нинг ажралмаслигини ҳисобга олган ҳолда бошқа бир боғлиқлик юзага келади: “бошқа юрак билан ақл”. Таъкидламоқ лозимки, “Ақл қалб билан келишмас” ҳикматини ёдда тутсак, русча контекстда бундай диалог имконсиз. Шу сабабли рус тилига таржимада ментал муқояса келтирилади: “Савол икки қалб оралиғидаги бўшлиқда муаллақ қолади”[5,317].

Харуки Мураками романларининг контекстида узундан узоқ суҳбатлар юритилади ёки қахрамонларнинг ўз ўтмиши тўғрисидаги киритма новелла-ҳикоялари, албатта, учрайди. Цкуру Тадзаки ўзининг собиқ маъшуқаси Эри билан гаплашиб олиш ҳамда уни тушуниш учун Финляндияга боради. Муаллиф Эрининг икрори олдидан ўша коммуникатив ёндашувдан фойдаланади: 「それは一人の心と、もう一人の心とのあいだの問題なのだ」[6,316]. Харуки Мураками сермазмун “юракни виждонан бўлаклаш” метафорасини келтиради.

Рус тилидаги таржимада яна одатий ибора жаранглайди: “Кимнингдир қаршисида қалбингни қанчалик очма, ҳар доим, айтиш мумкин бўлмаган нимадир қолади”[5,270].

Худди шу жиҳатдан таъкидлаб ўтиш зарурки, “қалб” концепти ёрдамида Харуки Мураками уйғун ва самимий мулоқотнинг бир неча ҳолатларини тасвирлайди:

1. Ўзинг учун асосийсини айтиб олиш – “қалбни очиш”.

2. Суҳбатдош учун асосийсини эшитиш – қалбига кириб бориш. Цкуру Тадзакига Эри билан гаплашиб олишни Сара тавсия қилиши тасодиф эмас: 「そして正直に胸を開いて話しをなさい」[6,228]. Муаллиф яна “сандикни очиш” м етафорасидан фойдаланади. Бундай образлиқ русча таржимада ҳам тушунарли бўларди: “У билан очиқ-ойдин гаплашиб ол”[5,196].

3. “Қалб” концептининг коммуникатив аҳамияти қахрамонларнинг эмоционал сатҳига ҳам чиқа олади. Севиб қолганлик ҳолатини муаллиф оқиб бораётган сув товуши билан одатий ментал муқобил ёрдамида кўчма маънода тасвирлайди:

「どこかから水のように音もなく押し寄せてきた」[6,329]. Д. Коваленин эмоционал ҳолатни оддий ифодалайди: “Бироқ Сара билан учрашув фикридан унинг кўнгли ёришди”.

4. Эмоционал маъқуллаш ёки салбий муносабат романда ушуб концепт ёрдамида ифодаланган: “Кўнглим тортмайди”, “воқеаси кўнглига таъсир қилди”, “қалбидан жой олди”. Романда Сара ўз дўстига пафосли савол билан мурожаат қилади: “Натижада у сенинг қалбингни яралагани учунми?”

Мисоллар контексти таржимон Д. Коваленин томонидан “қалб” ва “юрак” концептларини кўллашда катта тафовут борлигини кўриш имконини беради. Харуки Мураками тушунишида “Юрак”



кўкрак қафаси бўшлиғида осилиб турган жисмоний аъзодир.

1. “Қалб ва юрак” турли вазифаларни бажаради ва ҳар хил ҳолатлар билан боғлиқдир:

「しかしそれでも、自分がいつかその親密な共同体がらこぼれ落ち、あるいははじきだされ、一人あとに取りの残されるのではないかという怯えを、彼は常に心の底に持っていた」 [6,16]. Муаллиф оғриқ тўпланган жойни таъкидлаб айтади – “юрагимнинг пастки қисмида”. Д. Коваленин “қалб ва юрак” чегараларини ажратиб кўрсатади: “Аммо қалб тубида кўркув қутку соларди... унинг юрагида безовталиқ уйғонарди...” [5,17].

2. “Қалб” кўлланилган контекст ҳар ҳолда метафорикдир, юрак – оғриқ сезувчи жисмоний аъзо:

「その眺めは彼の心の痛みを和らげてはくれなかった」 [6,149]. Роман аслиятида таъкидланган: “юрагидаги оғриқ” ва бу ерда таржима тенг маъноли: “Кўрганлари юрагидаги оғриқни ҳеч ҳам босолмасди” [5,129]. Роман матнида юракнинг аниқ жойлашувига яна бир мисол бор: 「胸の左側が、とがった刃物で切られたようにきりきりとしたんだ」 [6,241]

“кўксининг чап қисмида”. Бу ҳолда рус тилига таржима аниқ бўлиши лозим: “Кўксининг чап қисмида шундай оғриқдики, гўё у ердан ниманидир ўткир тиғ билан кесиб олишарди” [5,207].

3. Руҳий ўнғайсизлик, қаҳрамон айбдорлиги ҳолати роамнда кўчма маънода келтирилади:

「おれが背負っているもののことを、おまえに知っておいてほしい」 [6,204].

“Ташиши керак” Д. Коваленин томонидан “юрагимда оғир тош” билан алмаштирилган, яъни ушбу “юк”нинг салмоғи кўрсатилган [5,207].

“Туссиз Цкуру Тадзаки ва унинг жаҳонгашталиқ йиллари” романидаги

айрим вазиятларда “юрак ва қалб” бинар бўлиб, қаҳрамоннинг руҳий изтиробларини кучайтириш учун жуфтликда ишлагади. Юкорида таъкидланганидек, Харуки Муракамнинг барча романларида маънавий изтиробнинг кўрсаткичи сифатида моддий (танага оид)лик кузатилади. Ушбу муаллиф матнларида ҳамиша бўлгани каби “синшин” концепти ижобий ва салбий планларда намоён бўлаверади.

“Кокоро” концептининг мазмун салмоғи Цкуру Тадзаки ўзининг узок давом этган жаҳонгашталиги ниҳоясида ҳис этадиган деярли жисмоний оғирлик ҳолатини кучайтиради:

「その頃は、ただじっと深く自分の内奥を見つめていれば、心臓はやがて自然に停

止してしまいそうにももえたものだ」 [6,36

2]. Харуки Мураками, “синшин” концептининг мазмун салмоғини образли изохларкан, “кўнгил сири ва юрак”. Д. Коваленин бутун ҳикоя давомидаги концептларнинг одатий бирикувига мурожаат қилади ва бу рус менталлиги учун ҳақлидир: “У ўз қалбининг қоп-қора тубсизликларига синчков ва чуқур назар ташлар экан, юраги тўхтаб қолишига бир баҳя қоларди” [5,310].

Ушбу ҳолатда аслият матни ва таржима матни орасида концептлардан ментал мақсадларда фойдаланиш бўйича оппозиция мавжуд. Бироқ образлиликка путур етмайди ва бу бадий асар таржимасида асосий жиҳатдир.

Шундай қилиб, “Туссиз Цкуру Тадзаки ва унинг жаҳонгашталиқ йиллари” романи концептосферасининг аосий концептлари “синшин” ва “кокоро”нинг барча маъно оттенкалари ҳисобланади. Уларнинг кўп вазифавийлиги Харуки Мураками “идиоуслубини”, романнинг образли структурасини ва “кадрон қалб” қидираётган ёлғиз-қаҳрамоннинг ўзига хос турини яратади. “Кокоро” концептининг талқин майдони анча кенг ва дунёни индивидуал муаллифона кўришни акс эттиради. Харуки Муракамнинг



“идиоуслубли” кўчимлар бойлиги билан ажралиб туради. Таъкидлаш лозимки, “ментал ҳосилалар” сифатида “кокоро” ва “синшин” концептларининг образли ва

семантик мазмундорлиги аслият матни ҳамда унинг таржимаси мисолларида япон ва рус тилларининг маданиятларида фарқланади.

Адабиётлар

- 1.Рудакова А.В. Когнитология и когнитивная лингвистика. -Воронеж, 2004.- .192 с.
- 2.Тарасова И.А. Поэтический идиостиль в когнитивном аспекте. -М:2012.-196 с..
- 3..Стрижак У.П. Сопоставление японской и русской языковых картин мира в процессе обучения иностранному языку. [Электронный ресурс] www.domashke.com
- 4.Гуревич Т.М. Лингвокультурологический анализ концептосферы «Человек» в японской языковой картине мира. [Электронный ресурс] www.cheloveknauka.com
- 5.Харуки Мураками. Бесцветный Цкуру Тадзаки и годы его странствий. Роман / Пер.с яп. Д.Коваленина. -М.-ИздательствоЭКСМО. 2015.-320с.
- 6.春樹村上「色彩を持たない多崎つくと彼の巡礼の年」Printed in Japan. 2013 [Электронный ресурс] [http: www.shinchosha.co.jp](http://www.shinchosha.co.jp)

Амануллаева К. Художественные национальные концепты «Синшин» и «Кокоро» и их репрезентация в романе Харуки Мураками «Бесцветный Цкуру Тадзаки и годы его странствий». В статье анализируется, с точки зрения когнитивной поэтики, интерпретационное поле концептов «кокоро» и «синшин» в различных дискурсах романа Харуки Мураками «Бесцветный Цкуру Тадзаки и годы его странствий». Рассматривается художественная идентичность перевода концепта «душа-сердце» с японского на узбекский язык. Подчеркивается, что наполняемость концепта как «ментального образования» разнятся в японской и узбекской языковых культурах.

*Amanullayeva K. The literary concepts “Sinshin” and “Kokoro” and their representations in the novel by Haruki Murakami “Colorless Tsukuru Tazaki and his years of pilgrimage”. This article provides achievements of modern cognitive poetics, the analyzes the interpretative field of concepts «kokoro», «sinshin» in various discourses in the novel by Haruki Murakami “Colorless Tsukuru Tazaki and His Years of Pilgrimage”. The author outlines literary identity of the artistic translation of the concept “soul-heart” in translation into **Uzbek** language, and notes the fullness of the concept as a mental formation differing in the Japanese and **Uzbek** linguistic cultures.*